

Банк операциялари методологияси  
бошқармаси томонидан  
2015 йил 30 октябрда 424-сон билан  
РҮЙХАТГА ОЛИНДИ

“Трастбанк” хусусий акциядорлик  
банки кенгашининг  
2015 йил 27 октябрдаги 137-сон қарорига  
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг  
Аудит қўмитаси тўғрисида  
НИЗОМ**

*(Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган  
ва 571-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги  
низом номи)*

*Мазкур ҳужжатга қўйидагиларга мувофиқ ўзгартириши ва қўшимчалар киритилган:  
Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон  
билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат;*

*Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 571-  
сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат;*

*Банк кенгашининг 2021 йил 23 сентябрдаги 116-қарори билан тасдиқланган ва 596-  
сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат.*

**Муқаддима**

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Кўмита таркиби, уни тузиш ва ваколатларини тугатиш

3-§. Кўмитанинг ваколатлари

4-§. Кўмита ишини ташкил этиш ва мажлисини ўтказиш

5-§. Кўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6-§. Кўмита аъзоларининг жавобгарлиги

7-§. Якуний қоидалар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”  
қонуни, Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом (*Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган*), Тижорат банкларининг  
ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (*Адлия вазирлиги томонидан 2021  
йил 7 майда 3302-сон билан рўйхатга олинган*) асосида ишлаб чиқилди ва “Трастбанк”  
хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) Аудит қўмитасининг (кейинги  
ўринларда – Кўмита) мақоми, таркиби, вазифалари, ишлаш тартиби, Банкнинг бошқа  
бошқариш органлари билан ўзаро муносабатини, шунингдек аъзоларининг ҳуқуки,  
мажбурияти ва жавобгарлигини белгилайди. (*Банк кенгашининг 2021 йил 23 сентябрдаги  
116-қарори билан тасдиқланган ва 596-сон билан рўйхатга олинган ички норматив  
ҳужжат таҳриридаги муқаддима*)

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Бош банк** – Банк бошқаруви аппарати;

**Филиал** – Банкнинг Амалиёт бошқармаси ва филиаллари.

2. Қўмитанинг асосий вазифаси ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Банк кузатув кенгашининг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга қўмаклашиш ҳисобланади.

Қўмита Банкнинг кузатув кенгаши қарорларининг ижроси, Банк стратегияси ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қилади, Банк фаолиятига оид мунтазам ҳисоботлар ва ўз тавсияларини Банкнинг кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

(*Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 571-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд*)

3. Қўмита бевосита Банкнинг кузатув кенгашига бўйсунади. (*Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд*)

3-1. Банкнинг кузатув кенгаши Қўмитага юклатилган вазифалар ва мажбуриятларнинг ижросини доимий равишда назорат қилиб боради ва бунинг учун етарли вақт ажратади ҳамда Қўмитани тажрибали аъзолар билан бутлайди. (*Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 571-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд*)

4. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгаши қарорлари, мазкур Низом ва Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига амал қилади. (*Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд*)

## **2-§. Қўмита таркиби, уни тузиш ва ваколатларини тугатиш**

5. Қўмита таркиби Банк кузатув кенгашининг учтадан кам бўлмаган аъзоларидан ташкил топади. Қўмита Банк кузатув кенгашининг бошқа қўмитаси аъзолигида бўлган айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлишига, шунингдек, Банк кузатув кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли қўмиталар раиси бўлишига йўл қўйилмайди.

Қўмитанинг кўпчилик аъзолари Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банкнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банкнинг кузатув кенгаши раиси Қўмитанинг раиси бўлмаслиги лозим.

Қўмитанинг аъзолари олий маълумотга, аудит хизмати мақсади ва вазифаларига мос келувчи малака ва тажрибага эга бўлиши лозим. Қўмитанинг камида битта аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот бўйича камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

(*Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 571-*

*(сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

6. Кўмита аъзоси бўлган Банк кузатув кенгаши аъзосининг Банк кузатув кенгаши аъзолигидан чиқарилиши, унинг Кўмитадаги аъзолигининг тугатилишига олиб келади.  
*(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

7. Агар Кўмита аъзосининг ваколати тугатилса, Банк кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилишида Кўмитанинг янги аъзоси сайланади. Кўмитанинг янги аъзоси сайлангунча, Кўмита ўз фаолиятини жорий таркибда юритади.  
*(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

### **3-§. Кўмитанинг вазифалари**

*(Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 571-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги параграф номи)*

8. Кўмитанинг вазифалари қуидагилардан иборат:

*Банк кенгашининг 2021 йил 23 сентябрдаги 116-қарори билан тасдиқланган ва 596-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ “а” кичик банди ўз кучини ўйқотди:*

- а) ички аудит дастурини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида иштирок этиш;
- б) назоратга оид, молиявий ва бошқа ҳисоботлар тақдим этилиши, тўлиқлиги ва ишонччилигини назорат қилиш;
- в) ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан Банкнинг кузатув кенгаши йиғилишларига маълумот тайёрлаш ва Банкнинг кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этиш;
- г) ички ва ташқи аудиторлар билан Банкнинг ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;
- д) Ички аудит департаменти директорини тайинлаш (лавозимидан озод қилиш) масаласини қўриб чиқиб, Банкнинг кузатув кенгашига таклиф киритиш;
- е) Ички аудит департаментининг чораклик ҳисоботларини ўрганиб чиқиш ва Банкнинг кузатув кенгашига тақдим этиш;
- ё) Банкнинг ички назорат тизими ва ички аудити фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва текширувларнинг даврийлигини қўриб чиқиш, Ички аудит департаменти директори ўз вазифалари ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрини билдириш;
- ж) ҳар чоракда камида бир марта Ички аудит департаменти директори билан учрашув ўтказиб, Ички аудит департаменти фаолиятига оид масалаларни мухокама қилиш;

з) ташқи аудитор таклифларини баҳолашда Банкнинг кузатув кенгашига амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда Банкнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

и) ташқи аудиторнинг хизматига тўланадиган энг қўп хақ миқдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида Банкнинг кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

й) ташқи аудитор учун техник вазифаларни ишлаб чиқиша Банкнинг кузатув кенгашига амалий ёрдам бериш;

к) ички ва ташқи аудитлар ҳисоботларини қабул қилиб олиш ҳамда уларда ва бошқа назоратни амалга оширувчи таркибий тузилмалар томонидан аниқланган Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк сиёсатлари ва Банк ички норматив хужжатларига номувофиқликлар ва камчиликларнинг Банк бошқаруви томонидан ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилиш;

л) ташқи аудитор ҳисботи ва хулосаларини кўриб чиқиш ва уларни Банкнинг кузатув кенгашига тақдим этиш;

м) ташқи аудитор фаолияти қониқарсиз деб баҳолангандан тақдирда, уни ўзгартириш юзасидан Банкнинг кузатув кенгашига тавсиялар бериш;

н) Банк фаолиятининг шаффоғлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;

о) ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

п) Банкнинг кузатув кенгаши томонидан юқлатилган бошқа вазифаларни бажариш.

(*Банк кенгашининг 2020 йил 18 сентябрдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 571-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжат таҳриридаги банд*)

9. Қўмита ҳар чоракда Ички аудит департаментининг ўтказилган ички аудит натижалари бўйича ҳисботини эшитади.

#### **4-§. Қўмита ишини ташкил этиш ва мажлисини ўтказиш**

10. Қўмита раиси Қўмита ишини ташкил этади, шу жумладан:

а) Қўмитанинг йиллик иш режасини тасдиқлади;

б) Қўмита мажлисини чақиради ва унга раислик қиласди;

в) Қўмита мажлисининг кун тартибини белгилайди;

г) Қўмита қарорлари изросини назорат қиласди;

д) Қўмита иш фаолияти натижалари бўйича Банкнинг кузатув кенгашига ахборот беради; (*Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив хужжат таҳриридаги кичик банд*)

е) Қўмита ваколатлари доирасида бошқа функцияларни бажаради.

11. Ички аудит департаменти Кўмитанинг ишчи органи сифатида Кўмита мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича хужжатларни тўплайди (йигади) ва уларни Кўмита мажлисига киритади, Кўмита мажлислари баённомаларини рўйхатдан ўтказади ва саклайди.

12. Кўмита мажлиси Кўмитанинг йиллик иш режаси бўйича, бироқ бир чоракда камида бир марта ўтказилади.

13. Кўмита мажлисида қарор мажлисда ҳозир бўлган Кўмита аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

14. Кўмита мажлисида баённома юритилади ва унда қуидагилар қайд этилади:

- а) Кўмита мажлиси ўтказилган сана;
- б) мажлисда ҳозир бўлган Кўмита аъзоларининг шахсий таркиби;
- в) Кўмита мажлисига таклиф этилган шахслар;
- г) Кўмита мажлисида муҳокама қилинган масалалар;
- д) Кўмита томонидан қабул қилинган қарорлар.

15. Кўмита мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган ва иштирок этган Кўмита аъзолари томонидан имзоланади.

16. Кўмита баённомалари Ички аудит департаменти томонидан варақлари номерланган, ип билан тикилган, Банк бошқаруви раиси ўринбосари ва Ички аудит департаменти директори имзолари ҳамда асосий муҳр билан тасдиқланган маҳсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

#### **5-§. Кўмита аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Кўмита аъзолари ўз хуқукларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Банк ва унинг акциядорлари манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйишлари лозим.

18. Кўмита аъзоларининг хуқуқлари:

а) Банк бошқаруви, Бош банк таркибий тузилмалари ва Банк филиалларидан зарур бўлган барча хужжат, маълумот ва материалларни олиш (сўралган хужжат, маълумот ва материаллар уч банк иш куни ичida Кўмитанинг ишчи органи – Ички аудит департаментига тақдим этилиши лозим);

б) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк устави ва Банк ички норматив хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлар.

19. Кўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

а) ички аудитга оид барча хужжатлар ва материалларни синчиклаб ўрганиш, ўрганиш натижаларини Кўмита мажлиси муҳокамасига ўз вақтида киритиш;

б) банк ва тижорат сирини саклаш, ўз функцияларини бажариш учун фойдаланишга

берилган ва сир сақланадиган маълумотларни ошкор қиласликка амал қилиш.

#### **6-§. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги**

20. Қўмита раиси Қўмита мажлиси ўтказилишини ташкил этиш учун жавоб беради.
21. Қўмита аъзоси сир тутиладиган маълумотларни ошкор этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

#### **7-§. Якуний қоидалар**

22. Мазкур Низом Бош банкнинг Банк операциялари методологияси бошқармасида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан қучга киради.
23. Ушбу Низом қучга кириши муносабати билан ““Трастбанк”” хусусий акциядорлик банки аудиторлик қўмитаси тўғрисида низом” (*Банк кенгашининг 2006 йил 14 декабрдаги 36-қарори тасдиқланган ва 33-сон билан рўйхатга олинган*) ўз кучини йўқотади.

**Бошқарув раиси**

**Ш.Хаджизадаев**

*Бошқарув аъзолари билан келишилди:*

Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринbosари

Ф.Самарходжаев

Бошқарув раиси ўринbosари

Н.Давиденко

Бухгалтерия хисоби ва ҳисботи департаменти директори

М.Маисова

Стратегик ривожланиш департаменти директори

С.Урманова

Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори

М.Мухаммедярова

Юридик хизмат департаменти директори

Ф.Каримова

Экспертиза гурухи раҳбари, Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринbosари	Ф.Самарходжаев
Экспертиза гурухи раҳбари ўринbosари, Банк операциялари методологияси бошқармаси бошлиғи	С.Муродов
Экспертиза гуруҳи аъзолари: Юридик хизмат департаменти директори	Ф.Каримова
Банк хатарларини бошқариш департаменти директори	С.Файзуллаев
Кредитлаш ва инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти директори	К.Габбазов
Пул муомаласи ва касса амалиётлари департаменти директори	А.Зукоров
Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти директори	Л.Солдатова
Чакана бизнес департаменти директори	А.Расулов
Кредит портфели мониторинги департаменти директори	М.Каримова
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи департаменти директори ўринbosари	Н.Мирзарахметова
Ғазначилик департаменти директори	Ж.Усмоналиев
Ахборот технологиялар департаменти директори	К.Домашиков
Омонат операциялари мониторинги бошқармаси бошлиғи	О.Шамсутдинова
Пластик карталар бошқармаси бошлиғи	Н.Мирзамухамедов
Ички назорат департаменти директори	Б.Қамбаров
Валюта айирбошлаш операциялари маҳсус бошқармаси бошлиғи	А.Қаҳҳоров
Хавфсизлик департаменти директори	Т.Джумабаев
Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори ўринbosари	З.Кашапов
Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи	А.Зияев